



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

<http://xs.uz>

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 22 май, № 98 (5772)

Чоршанба

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

Инвестиция — тараққиёт омили



Мамлакатимизда саноатни янада ривожлантириш, унинг тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада чекка худудларда ҳам замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган кўплуб янги корхоналар ишга туширилмоқда. Уларда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга кўйилгани эса худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва экспорт салоҳияти юксалишида муҳим омил бўлаёт.



Масалан, кейинги йилларда Хоразм вилоятида рўёбга чиқарилётган инвестициявий пойхалар саноат тармоқлари ривожини жадаллаштириб юборди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 264,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13,4 фоиз ўсишга

эришилгани бунинг яққол далилидир. Тъкидлаш керакки, Президентимизning 2012 йил 22 ноябрдаги "2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида" ги қарори соҳа корхоналари фоилиятини кенгайтириш, уларнинг самародорлигини ошириш баробарида, кўшим-

ча кувватларни ишга туширишда дастурламал бўлмоқда. Ўтган вақт ичидаги ўзбекистондаги 23 та лойиха мувофакиятлари амалга оширилиб, 2,8 миллион АҚШ доллари микдорида инвестициялар ўзлаштирилгани шундай дейишимизга асос бўла олади. (Давоми 2-бетда). □□

ИСЛОХОТ

Навоий вилояти — республикализнинг саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга худудларидан бири. 2008 йилда "Ўзбекистон хаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ва Жанубий Кореянинг "Korean Air" авиакомпанияси ўртасида "Навоий" аэропорти базасида консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича имзоланган битимга кўра, ташкил этилган халқаро аэропорт ва логистика марказининг фаoliyati бунга яққол мисол бўла олади.

Логистика маркази:

ИЛФОР ИНФРАТУЗИЛМА, СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Чунки мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши нафқат вилоят, балки мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида янги имкониятларни очиб берди.

Чиндан ҳам, эндилик Навоий дунёнинг кўплаб мамлакатларида танилган ва самарали фаолиятни кўрсатиб келаётган кўп тармоқли замонавий ишлаб чиқариш комплексига эга худудга айланмоқда. Албатта, бу каби хайрли ишлар замонида юртимизда амалга оширилётган туб ўзгаришлар, янгилини ва модернизацияланаш ишлари музжассам. Айниқса, ўтган йили "Навоий" халқаро аэропортида соатига 400 йўловчига хизмат тараққиётини оширишга қарашуви янги терминалнинг ишга туширилишингиз узодини яқин қилиб, уларнинг тури хизматлардан фойдаланнишига пойдевор яратди. Негаки, янги киёфа касб этган мажмудаги интроверлар, савдо ва сервис хизмати кўрсатиш май-

АВСТРИЯ ПАРЛАМЕНТИДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАФИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Якинда Австрия парламентининг кўйи палатаси — Миллий Кенгашида мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилётган ислоҳотларга бағишинланган давра сұҳбати бўлиб ўтди.

ДУНЁ НИГОХИ

Ўзбекистон Республикаси касининг Венадаги элчи-хонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда давлатни ислоҳ қилиш ва мөдернизиацияланашнинг "ўзбек

модели" доирасида ҳаётта татбиқ этилаётган чора-тадбирлар, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантириш концепциясининг асосий мазмун-механити, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи башкариш органи — махалла институти фаолияти ҳакидаги маълумотлар мавқотларининг асосий мавзуи буди.

Австрия парламенти

Миллий Кенгашининг иккичи прези

денти Фріц Нойгебауэр

Ўзбекистон Республикаси Президенти

томонидан илгари суриглан. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқароларнинг ривожланишига ҳам хизмат қиласи. Шу муносабат билан Ф. Нойгебауер иккя мамлакат парламентлари ўртасида мунтазам делегациялар алмашинувини йўлга кўйиш таклифи билдири. (Давоми 2-бетда). □□

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



"Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибати бўлишига давлат этади, Ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табатанини ўйғотади".

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 26 август куни Самарқандда бошланган "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивалида айтган бу сўзлари исботини ҳар иккя йилда Регистонда янграётган турли миллатлар мусиқаси тимсолида бутун дунё кўриб-билиб турибди. Бу санъат анхумани тили, дини, маданияти, миллий қадриялари ва урф-одатлари ранг-баранг инсонларни тинчлик, бунёдкорлик, эзгулик йўлида бирлаштирилди.

ЖАҲОН МАДАНИЯТЛАРИ БИРЛАШГАН РЕГИСТОН

"Шарқ тароналари" I халқаро мусиқа фестивалининг биринчи ўрин соҳибаси, Ўзбекистон халқаро муножот Йўлчиева Мазкур фестивалда фалсафаси, классик мусиқанинг миллий ва умумашарий маънавиятдаги аҳамияти

ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўз мухабирига кўйидагиларни сўзлаб берди:

— Халқимиз мусиқа маданиятининг илдизлари фоят чукур, — дейди Муножот Йўлчиева.

— Самарқанд яқинидаги

мўминобод қишлоғидан уч минг уч юз йил мукаддам суюқдан ясалган най топилгани ёки Амир Темур даврида йирик мусиқи анхумалар тұткализгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мам

лакатимиз мустакил тараққиёт йўлидан дадил қадамларини кўя бошлаган бир пайтада — 1997 йилда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига асос солинди.

(Давоми 3-бетда). □□

Амалий мулокот, манфаатли шартномалар

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда вилоятнинг олис қишлоқлари ва чекка маҳаллаларида ҳам илфор технологик линиялар билан жиҳозланган корхоналар барпо этилди. Махаллийлаштириш дас-

тури доирасида "GM Uzbekistan" ёпик акционерлик жамиятига бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналар, кичик бизнес субъектлари сафи кенгайди. (Давоми 2-бетда). □□



БИР РАҲАМ ШАРХИ

ИМТИЁЗ ВА РАҒБАТ САМАРАСИ

Жорий йилнинг биринчи чорагида республикамиз иқтисодиётида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 35,5 фоизга кўпайди.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, тўғридан-тўғри инвесторлар ҳамда хорижий инвестицияларни ашнишада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилгани ана шундай ижобий натижага эришишда мухим омил бўлди.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Чимбой туманинг "Чимбой мой инвест" шўйба корхонаси томонидан хўжалик совуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши билан 20 кишининг бандлиги таъминланди.

Саноат учун сармоя

— Банкнинг 130 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланчик, — дейди корхона раҳбари Баҳтиёр Каниязов. — Айни пайтада ойига 150 тонна маҳсулот тайёрлапмиз. Бундан, айниска, буюрмачиларни манум.

Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида Оролбуй минтақасида саноат салоҳиятини ошириши юзасидан қабул килинган худудий дастур доирасида карий 50 та пойхалар ишлаб чиқарлиб, 3,8 миллион АҚШ доллари микдорида инвестиция ўзлаштирилди.

Хидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тежамкор ускуна

Кармана туманинг "Алишер Стар Кармана" масъулияти чекланган жамияти томонидан пардозлашада кенг кўлланидаги оҳак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун маҳаллий мутахассислар томонидан тақомиллаштирилган тежамкор дасттоҳ яратилиди.

— Ускунамизнинг афзалиги шундаки, унда бир куб газ 10 куб метр билан барабани пеша ёдирилади, — дейди корхона раҳбари Сарвар Рӯзиев. — Бу орқали маҳсулот янада сифатла ва арzon бўлади. Якнада мазкур барабани пеша базалыт толаси билан ўрб, энергия сарфини яна 15 фоизгача кискартиши режалаштирилди.

АЗАМАТ ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фермерлар бозори

Ришитон тумани марказидаги фермерлар бозори ташкил этилди. Бу ерда дехқон ҳамда фермер хўжаликлари ўзлари этишитирсан махсулотларни вактичча сақлаша ва савдо килишлари учун барча шартшароит яратилилди.

Этиборли жиҳат шундаки, кўп тармоқи ва ихтиослаштирилган фермер хўжаликлари томонидан харидорларга таклиф этилаётган замин нематларининг наҳри бошча бозорлардагига нисбатан анча арzon.

НАБИЖОН СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ягона ахборот тармоғи

Жорий йилнинг биринчи чорагида Кашидадар вилоятида ахборотларни ўзлари тармоқларни ташкил этилди. Бу ерда деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари томонидан харидорларга тақлиф этилаётган замин нематларини ўзларни бирор ташкилга ташкил этилди.

Жумладан, вилоядатда таълими босқичи-босқич "Ягона ахборот тармоғи" бирлаштирилган лойиҳаси доирасида 25 километрдан ортик оптика толали алоқа кабеллари линияси ётқизилди. Жорий йилда 1 тасиб-хунар коллежини ушбу тизимишси 90 километрга етказилади.

Шунингдек, "Ўзтелеқом" акциядорлик компанияси вилоят филиалининг кенг полосали ADSL-модемларни орқали глобал тармоқ фойдаланчилари сони хорий йилнинг 1 январида 5135 нафарни ташкил этган бўлса, биринчи чорак якуни бўйича 6175 нафарга етади.

АҲАД МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

